

Индонезия авиакомпанияси мусулмон йўловчиларига ўқиш учун Қуръон тақдим этмоқда



14:00 / 28.05.2019 2008

Garuda Indonesia авиакомпанияси Рамазон ойининг сўнги 10 кунни мобайнида мусулмон йўловчиларига парвоз вақтида Қуръони каримни ўқиш учун тақдим этмоқда. Бу ҳақда авиакомпания маъмурияти хабар беради.

«Биз мусулмон йўловчиларга Рамазоннинг сўнги 10 кунда қулайлик яратишни мақсад қилдик, дейди Garuda Indonesia вице президенти М. Эҳсон. — Агар йўловчилар Қуръони каримни ўқимоқчи бўлсалар, парвоз ходимларидан мусхафни сўраб, манзилларига етгунича ўқишлари мумкин. Шунингдек, Қуръоннинг аудио нусхасини ҳам тавсия этмоқдамиз. Йўловчилар буни «Ислом дунёси» менюсидан топишлари мумкин.